

# Хитойда чой қўзиқоринидан полимер яратилди

// 20.01.2025

<https://uzkemyosanoat.uz/uz/press/news/hitoyda-choy-quziqorinidan-polimer-yaratildi>



Хитойнинг Гонконг университети (СУНК) мутахассислари чой қўзиқорини ичимлигидан пластик муқобилини яратишиди. Маҳсулот чой ва шакарни бактерия ва хамиртуруш билан ачитиш туфайли олинган. Натижада полимер типидаги бактериал целлюлоза ажратиб олинган. Тадқиқот музалифларидан бири Нгай Тонинг таъкидлашича, ундан биологик парчаланувчи қадоқлаш сифатида фойдаланиш мумкин.

"Ушбу янги материални сув ўтказмайдиган ва ёғга чидамли қилишимиз мумкин. Биз фойдаланадиган ингредиентлар жуда қиммат эмас, чунки асосан чой барглари ва шакардан фойдаланамиз.

Янги полимердан сумкалар, қопқоқлар, қутилар ва бошқа материалларни тайёрлаш мумкин. Бундан ташқари, синтетик терини яратишида ҳам фойдаланиш имкони бор, — дейди мутахассис.

**«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати**